

**Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва
виночилик илмий-тадқиқот институти**

Х. Ч. Буриев, З. А. Абдикаюмов

**Томорқа ва фермер хўжаликларида маҳаллий пиёз навлари
уруғчилиги бўйича
тавсиянома**



Тошкент – 2015



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

**Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC**

Ушбу тавсиялар Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликларида зарарни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш» лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Тавсиялар Тошкент давлат аграр университети Ўрмончилик ва экология кафедраси профессори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори А.Қ.Қайимов умумий таҳрири остида Тошкент давлат аграр университети Мевачилик, узумчилик ва сабзавотчилик кафедраси профессори Х.Ч.Буриев ва докторант З.А.Абдиқажомовлар томонидан тузилган. Бундан томорқа ва фермер хўжаликларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (М.Мирзаев номли БУваВ ИТИ)

Манзил: 111116, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон ҚФЙ, Чимкент йўли кўчаси

Тел.: (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82; **Факс:** (+99871) 220-26-48

Эл. почта: mevaiti@qsxv.uz, meva-uzum@exat.uz

Бўриев Х.Ч. – (+99890) 358-38-62

Абдиқажомов З.А. – (+99890) 946-15-51

Муқовада: уруғлик пиёз майдони

Мундарижа

1. Пиёзнинг ботаник тавсифи	4
2. Маҳаллий пиёз навларининг морфо-биологик ва экологик хусусиятлари.....	4
3. Уруғчилик учун маҳаллий пиёз навларини танлаш услуби.....	7
4. Навлар.....	8
5. Пиёз уруғини етиштириш технологияси	11
5.1. Уруғлик материални тайёрлаш ва экиш	12
5.2. Экиш муддатлари	13
5.3. Пиёзбошларни экиш схемаси	13
5.4. Уруғлик экинзорларни суғориш.....	14
5.5. Пиёз уруғини тезкор етиштириш усуллари	15
5.6. Уруғ олиш учун нўш пиёзлардан фойдаланиш.....	15
5.7. Маҳаллий навларнинг экологик шароитларга боғлиқ ҳолдаги уруғчилиги.....	16
5.8. Уруғликларни йиғиб олиш ва етилтириш. Уруғларни қуритиш ва сақлаш	16
6. Пиёз касалликлари ва зараркунандалари ва уларга қарши курашиш чоралари....	18

1. Пиёзнинг ботаник тавсифи

Пиёз (*Allium cepa*) – пиёздош ўсимликлар орасида энг кўп тарқалган ўсимлик бўлиб, унинг 1000 дан ортиқ навлари мавжуддир, шулардан МДХ давлатларида 100 дан ортиғи экиб ўстирилади (Алексеева, 1960).

Ер шарида тарқалган барча маданий пиёз навлари қатор морфологик, биологик ва бошқа белгилари билан ўзаро фарқланади ва бу белгилар уларнинг тур бўйича таснифлашда асос бўлиб хизмат қилади.

Пиёзнинг шакли асосий навдорлик белги ҳисобланади. Шакли бўйича пиёзбошлар олти гуруҳга ажратилади: ясси, ясси-юмалоқ, юмалоқ, овал, узунчоқ-овал ва узунчоқ. Айрим жанубий навлар анча шимолий туманларда (Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси) пиёзбошининг шакли, ранги ва таъми бўйича ўзгаради. Пиёзбоши шакли тупроқ типи ва агротехник тадбирларга боғлиқ равишда ўзгаради.

Пиёзбошининг ўлчами бўйича ҳам навлар орасида хилма-хиллик кузатилади. Пиёзбошининг ўсиши ва шаклланиши ўсиш шароитларининг мажмуи, хусусан ёруғ кун узунлиги ва ҳарорат билан белгиланади.

Пиёзда морфо-биологик белгилари билан бир қаторда унинг кимёвий таркиби ҳам юқори даражада ўзгаради.

Етиштириш ҳудудига боғлиқ равишда пиёзбошларнинг сифат таркиби ҳам ўзгаради.

2. Маҳаллий пиёз навларининг морфо-биологик ва экологик хусусиятлари

Ўзбекистонда районлаштирилган аксарият пиёз навлари халқ селекциясининг маҳаллий навлари ҳисобланади. Улар ўзининг юқори сифати ва биологик хусусиятлари, муайян экологик шароитларга яхши мослашувчанлиги билан ажралиб туради.

Эволюцион тараққиёт жараёнида пиёзларда муайян жой тупроқ-иқлим шароитларига мослашувчанлик юзага келган. Етиштириладиган жойига кўра турли навлар мос ҳолдаги номга ҳам эга бўлган: Марғилон пиёзи (Фарғона водийси), Самарқанд пиёзи, Фороб пиёзи (Бухоро, Хоразм) ва ҳоказо.

Фарғона водийси кўпгина қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан пиёзнинг ҳам, муҳим шаклланиш ўчоғи ҳисобланади. Катта ареал, ҳар хил тупроқ-иқлим шароитлари ва ўзига хос агротехника бу ерда сигарасимондан (Марғилон узун пиёзи) мутлақо яссигача (Хўжанд ясси пиёзи – кулча пиёз) турли ирсий пиёз шакллариининг юзага келишига сабаб бўлди.

Иқлим шароитларининг қулайлиги пиёз сортименти ва хилма-хиллигининг етарлича кенглигини таъминлайди. Шағалли оғир ва зич тупроқлар тарқалган жойларда ясси шакли (кулча пиёз) пиёзлар кенг тарқалган. Фарғона водийси бўйича ғарбдан шарққа қараб маҳаллий пиёз навларининг шакли ўзгаради: юмалоқ ва ясси-юмалоқ пиёзлар кўплаб учратилади. Бинобарин, Рапкана туманининг қумлоқ ва қадимдан ҳайдаладиган (анча енгил) тупроқларидаги популяцияларда юмалоқ-овал шакл устунлик қилади.

Шарқий Қўқоннинг йирик шағалли тупроқларида ўзига хос юмалоқ шакли, пастга қараб бироз чўзилган кичик ва ўткир учли пиёз тарқалган. Маҳаллий аҳоли ушбу шаклини “кирпитумшуқ” деб аташади. Бу ерда унинг экиладиган майдонлари 60-90% ни ташкил этади. Бироз шарқда, барча туманлардаги ўтлоқи-ботқоқ бўз тупроқларда, айниқса Фарғона ва Марғилон-Қувага ёндошган ерларда овал (60-65%, тухум-пиёз) ва чўзинчоқ (20%) шакл энг кўп тарқалган, ушбу шакл машҳур Марғилон пиёзи учун типик ҳисобланади. Андижон оқ пиёзи юмалоқ шакли бўлиб, барча туманларда Марғилон пиёзи билан биргаликда учрайди.

Ҳар хил тупроқ иқлим шароитларида муайян шаклар устунлик қилади, улар селекцион-яхшилов ишлари мобайнида мустақил нав сифатида ҳам ажралиши мумкин. Бинобарин, Фарғона вилоятида шундай тўртта навни кўсратиш мумкин: Рапканский, Қўқон “кирпитумшуғи”, Марғилон узун пиёзи (тухум-пиёз), Андижон юмалоқ пиёзи. Бундан ташқари, Хўжанд вилоятида (Тожикистон) Хўжанд ясси пиёзи (кулча пиёз) номи билан аталувчи нав селекцияланган ва кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда Марғилон пиёзининг узунчоқ шакли бутун Фарғона водийсида, Сирдарё оқими бўйлаб Чинозгача ва Мирзачўлнинг янгидан ўзлаштирилган ерларида кенг тарқалган асосий нав ҳисобланади.

Маҳаллий навлар ранги бўйича ҳам ўзгарувчандир. Пиёзнинг барча шакллари 3-7,6% чегарасида бўялган ташқи қобиққа эгадир. Оқ қатламларининг тузилиши (муртак сони, ўлчами) ва ранги бўйича кўпинча мос келади, аммо ташқи қуруқ қобиғининг ранги бўйича фарқланади. Рангли шаклар орасида қарийб 30% пиёзбошлар сариқ (ички этдор қатламлари оқ) рангадир. Рангнинг бинафшаранг томонга қараб ўзгариб бориши билан унинг ички этдор қобиқлари ҳам ранглиниб боради.

Самарқанд пиёзи – қадимий халқ селекцияси нави. Фарғона водийсининг маҳаллий оқ навларидан фарқли равишда, жуда ҳам чекланган ареалга эгадир – 50-60 га. Унинг уруғчилик майдонлари асосан Самарқанднинг «Бағизаган» худудида жойлашгандир. Ушбу пиёзнинг аксарият қисми маҳаллий аҳолининг томорқаларида уларнинг ўз эҳтиёжлари учун етиштирилади.

Чекланган ареалига боғлиқ равишда Самарқанд пиёзи Фарғона водийсидаги каби полиморфлик касб этмайди.

Умуман шакли ва ранги бўйича (репродукция жойига боғлиқ равишда) пиёзларни учта шаклга ажратиш мумкин. Биринчиси ясси-юмалоқ – 61,5-70,6%, сўнгра ясси – 18,2-25,3 ва юмалоқ – 8,2-13,2% (С.Н. Бақурас, 1974).

Қайд этилган пиёзнинг ирсий шакллари маҳсулдорлиги ва ўсув даврининг узунлиги бўйича ҳам айрим тафовутларга эгадир.

Энг маҳсулдор шакл – ясси-юмалоқ, тўқ бинафшаранг тусли. У озуқа моддалар ва витаминларга бой ҳисобланади. Бинобарин, қуруқ модда миқдори 14,38%, умумий қанд – 11,10, С витамини – 14,75 мг%, оқсил – 1,38 ва клетчатка – 0,75% ни ташкил этади.

Фороб пиёзи Амударё оқими бўйича иккита географик, аммо тупроқ-иқлим шароитлари ўхшаш бўлган Бухоро ва Хоразм воҳаси шароитларида тарқалган. Булар асосан водий худудларида жойлашган. Бу ерда денгиз сатҳидан паст бўлган жойлар (Қорақўл туманида) ҳам мавжуддир.

Кескин континентал чўл иқлими бу ерда ўзига хос оқ рангли пиёзнинг келиб чиқиши ва тарқалишига сабаб бўлган.

Фороб пиёзи ўз номини Фороб шаҳридан олган бўлиб, у Бухоро вилоятида жойлашгандир. Қадимда бу ерда турли маҳсулотлар, шу жумладан пиёз билан ҳам жуда ҳам қизгин савдо-сотик бўлган. Бу ердан у Туркменистон республикасининг айрим пасттексислик жойларига ҳам тарқалган.

Бухоро ва Хоразм вилоятларида бугунги кунда ушбу пиёз асосан аҳолининг томорқаларида етиштирилмоқда (Бухорода кўпроқ, Хоразмда бироз камроқ майдонларда). Туркменистонда ушбу пиёз йилига қарийб 300 га майдонда экилади. Кенг тарқалиш ареалига қарамай, Фороб пиёзи етиштириладиган жойларининг тупроқ-иқлим шароитлари ўхшаш бўлганлигидан, морфологик ва биологик белгилари жиҳатидан етарлича бир хилдир. Асосий ирсий шакллари: ясси, ясси-юмалоқ ва юмалоқ.

Уруғчилик ишларининг мақсади – ясси ва ясси-юмалоқ шакли пиёзлар таркибини ошириш. Қолган барча шакллар брак қилинади. Фороб пиёзи қорсимон оқ рангадир, аммо бирмунча миқдорда бўялган пиёзлар ҳам учрайди. Репродукция жойи ва тоғолди туманлардан йироқлигига қараб бинафшаранг пиёзлар миқдори турличадир. Бухорода бинафшаранг пиёзлар 1,2% ни, Ашхободда 0,5 ва Хоразмда 0,3% ни ташкил этади. Туркменистонда бинафшаранг пиёзлар миқдорининг камлиги ҳар йилги пухта танлов, Хоразмда эса бинафшаранг пиёзлардан узоқроқда етиштирилиши билан изоҳланади.

Фороб пиёзи озуқа моддалари ва витаминларга етарлича бойдир. Бинобарин, қуруқ модда миқдори 13-14,0%, умумий қанд – 8-9,0, С витамини – 10-13 мг%, оқсил – 1,5-2% ва клетчатка – 0,5-0,6% ни ташкил этади (Н.С.Бақурас, 1974).

Ушбу нав бўйича кейинги ишларни ундан селекцияда дастлабки материал сифатида фойдаланиш ва янги навлар яратишда фойдаланиш томонига йўналтириш лозим. Чунки у селекция объекти сифатида сақланувчанлик, ранги ва шакли жиҳатидан бир хиллигини оширишга муҳтождир. У дастлабки шакл сифатида қимматли хўжалик белгиларига эгадир: юқори ҳосилдор, пиёзбоши йирик, ташқи кўриниши чиройли, таъми ширин ярим аччиқ. Ушбу сифатлар авваллари ушбу навни кўпгина навлар билан муваффақиятли рақобат қила олишига сабаб бўлган эди.

Илмий муассасалар ва уруғчилик фермер хўжаликлари ушбу қимматли навни яхшилаш, янги истиқболли навлар яратишда ундан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир.

Барча маҳаллий оқ рангли пиёзлар орасида муайян даражада рангли пиёзлар бўлиши кузатилади. Негаки, рангли пиёзлар Ўзбекистон оқ пиёзларининг доимий ҳамроҳидир. Қизил рангли (Самарқанд қизили ва Файзобод (Тожикистон)) ва айрим тоғли ҳудудларда етиштириладиган пиёз шакллари орасида оқ пиёзлар учрамайди.

Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистоннинг маҳаллий пиёз навлари қуруқ қобиғининг ранги бўйича (оқ ва бинафшаранг) муайян географик ареалга эгадир.

Ёввойи пиёз шаклларининг келиб чиқиш ўчоқларини (Марказий Осиё ва Афғонистоннинг тоғли ҳудудлари) билган ҳолда, пиёзнинг қайси ранги бирламчи ва қайсиниси иккиламчи эканлигини аниқлаш мумкин.

Оқ рангли пиёзлар асосан Фарғона водийси, Сирдарёнинг қуйи оқими, Чиноз ва Мирзачўлнинг янгидан ўзлаштирилган ерларида тарқалган. Оқ рангли пиёз тарқалган иккинчи гуруҳ Бухоро ва Хоразм воҳалари ва Туркменистоннинг бир қисми ҳисобланади. Ушбу санаб ўтилган жойлар денгиз сатҳидан 250-350 м баландликда жойлашгандир.

Анча баланд туманларда (денгиз сатҳига нисбатан 800 м ва ундан ҳам юқори) – Самарқанд, Файзобод, Ўра-Тева, Алма-Ата ва бошқа жойларда бинафшаранг пиёзлар тарқалган: Самарқанд қизили, Файзобод, Дунган ва Каахка. Тоғли туманларда (денгиз сатҳига нисбатан 2200 м баландликда) у деярли кўкимтир тусга эгадир.

Бинафшаранг тусли пиёз Афғонистон ва Кавказнинг деярли барча тоғли ҳудудларида учрайди.

Пиёзнинг маданий навлари етиштириш шароитларига кўра иссиқликка турлича чидамли ҳисобланади. Марказий Осиёнинг Фороб, Чиноз ва бошқа шу каби навлари иссиқликка юқори чидамлиги билан ажралиб туради. Улар плазмасининг эгилувчанлиги ва юқори осмотик босими (7,8 атм.) билан сариқ (3,3 атм.) ва бинафшаранг (4,9 атм.) пиёзлардан фарқланади.

Пиёз тоғли ҳудудлардан келиб чиққан ўсимликдир. Ушбу шароитларда у оқ рангли бўлиб чиқмайди, буни тоғли туманларда тарқалган ва одатда 20-30 см чуқурликда ўсадиган ёввойи пиёзларнинг сарғиш-жигаранг тусларда бўлиши тасдиқлайди. Пиёз маданийлаштирилгани сари у пиёзбошини юза қатламларда ҳосил қила бошлади ва ранги ҳам бинафшаранг ва ҳатто кўкимтир тусларга эга бўлди (Хорог пиёзи).

Пиёзнинг тоғдан текисликларга тарқала бошлаши билан унинг ранги тахминан қуйидаги тартибда ўзгарган: кўкимтир, тўқ бинафшаранг, бинафшаранг, оч бинафшаранг, сариқ ва ниҳоят оқ. Бинобарин, Хорог пиёзи деярли кўк рангдадир, Файзобод пиёзи тўқ бинафшаранг, Ўра-Тева – бинафшаранг ва Самарқанд қизили – тўқ ва оч бинафшаранг тусдадир. Водий туманларининг пиёзлари асосан оқ ранглилиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг маҳаллий пиёзлари мураккаб популяцияга эга бўлиб, улар орасида қимматли шакллар билан бир қаторда маҳсулдорлиги паст ва кам қимматли биотиплар ҳам учраб туради. Фарғона водийсининг пиёзлари энг ўзгарувчан ҳисобланади, Самарқанд ва Фороб пиёзларида ўзгарувчанлик камроқдир.

3. Уруғчилик учун маҳаллий пиёз навларини танлаш услуги

Пиёзни уруғлик тупи бўйича танлаш. Маҳаллий пиёз навларида селекцион-уруғчилик ишларини тезлаштириш учун хўжалик-қимматли белгилари бўйича анъанавий танлаш услуги билан бир қаторда, фермерлар томонидан уруғлик тупининг типни бўйича танлаш ҳам ўтказилади.

Фарғона водийсининг маҳаллий пиёз навларининг шакли яссидан сигарасимонгача ўзгаради. Ўзақлар миқдори битта пиёзда 1-2 дан 4-5 донагача бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир шакл муайян ўзак сонига эга бўлади.

Пиёзбошининг шакли ва унга боғлиқ ўзақлар сони уруғ ҳосилдорлиги ва унинг

пишиш муддатини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади. Ўзақлар сони ортиши билан ўсув даври қисқаради, аксинча ҳолатда узаяди. Бунда битта соябондаги уруғ ҳосили камаяди, битта ўсимликдаги миқдор (тупда) эса ортади.

Ҳар хил миқдордаги ўзақларга эга турли навлардан йиғиб олинган уруғлар шу навга хос авлод беради. Демак, уруғлик тупининг типига кўра фақатгина уруғ ҳосилини эмас, балки бўлғуси пиёзбоши шакли тўғрисида ҳам башорат қилиш мумкин.

Марғилон пиёзининг уруғликларида битта ёки иккита ўзаги бор ўсимликлардан уруғ танлаш тавсия этилади, Рапкан ва Қўқон шакларида – 2-3, Андижон шакларида 3-4 ва Хўжаңд шаклида 4-5 тагача ўзақдан уруғ олиш мумкин. Бундай танлаш келгуси авлодда шу навга хос типик белгиларнинг яхши сақланиб қолишини таъминлайди.

Пиёзнинг сақланувчанлиги таркибидаги қуруқ моддаларга боғлиқдир, у навлар орасида ҳам, у ёки бу нав чегарасидаги пиёзбошларда ҳам ўзгарувчандир.

4. Навлар

СУМБУЛА

Нав ЎзСПЭ ва КИТИ томонидан чиқарилган. Эртапишар нав, ўсув даври 110 кунни ташкил этади. Ҳосили апрелнинг иккинчи ярми, майнинг биринчи ўн беш кунлигида пишиб етилади. Пиёзбоши юмалоқсимон, қобиғи сариқ, эти оқ, серсув, тиғиз, вазни 100-125 г. Таркибида қуруқ модда миқдори 11,4%. Уруғ ҳосилдорлиги 0,6-0,8 т/га. Навнинг умумий маҳсулдорлиги 40-45 т/га. Тупроқнинг шўрланиши ва иссиқликка чидамли, аммо яхши сақланмайди. Транспортда ташишга чидамсизроқ. Бактериал ва замбуруғли касалликлар билан кам зарарланади.



ОҚ ДУР

Нав ЎзСПЭ ва КИТИ томонидан чиқарилган. Эртапишар нав, ўсув даври 110 кунни ташкил этади. Ҳосили апрелнинг иккинчи ярми, майнинг биринчи ўн беш кунлигида пишиб етилади. Пиёзбоши юмалоқсимон, қобиғи оқ рангли, эти – оқ, серсув, тиғиз, вазни 100-125 г. Таркибида қуруқ модда миқдори 12,3%. Уруғ ҳосилдорлиги 0,7-0,85 т/га. Навнинг умумий маҳсулдорлиги 38-43 т/га. Шўрланиш ва иссиқликка чидамли, аммо намлик ва тупроқ унумдорлигига талабчан. Узоқ муддат сақлаш қийин. Транспортда ташишга яроқлилиги ўртача. Фузариоз касаллиги билан кам зарарланади.



КАБА 132

Нав ЎзСПЭ ва КИТИ томонидан чиқарилган. Кечпишар нав, ўсув даври 117-151 кунни ташкил этади. Уруғидан етиштирилади (бир йиллик). Пиёзбоши юмалоқсимон ёки чўян қозонсимон, устки қисми кенг, илдизга яқинлашган сари ингичкалашиб боради, қобиғи сариқ, эти оқ, тиғизлиги ўртача, вазни 45-105 г, дегустацион баҳоси ярим аччиқ. Таркибида қуруқ модда миқдори 8,9%. Уруғ ҳосилдорлиги 0,8-0,9 т/га. Навнинг умумий маҳсулдорлиги 18,2-28 т/га. Шўрланиш ва иссиқликка чидамли. Вирусли ва бактериал касалликлар билан кам зарарланади.



ИСТИҚБОЛ

Нав ЎзСПЭ ва КИТИ томонидан чиқарилган. Ўртапишар нав, ўсув даври 133-143 кунни ташкил этади. Пиёзбоши узунчоқ тухумсимон, қобиғи сариқ, эти оқ, юпқа, кам уяли, салатбоп, қишда яхши сақланади, вазни 100-130 г. Таркибида қуруқ модда миқдори 13,9%. Уруғ ҳосилдорлиги 0,9-0,95 т/га. Навнинг умумий маҳсулдорлиги 45-50 т/га. Иссиқликка чидамли, аммо намлик ва тупроқ унумдорлигига талабчан. Касаллик ва зараркунандаларга чидамли. Механизация воситасида йиғиб олишга яроқли.



ЗАФАР

Нав ЎзСПЭ ва КИТИ томонидан чиқарилган. Ўртапишар нав, ўсув даври 138-143 кунни ташкил этади. Пиёзбоши юмалоқсимон, қобиғи бинафшаранг, эти оч бинафшаранг, серсув, тиғизлиги ўртача, вазни 130-150 г. Таркибида қуруқ модда миқдори 13,9%. Уруғ ҳосили 0,8-0,9 т/га. Навнинг умумий маҳсулдорлиги 40-45 т/га. Иссиқлик, қурғоқчилик ва шўрланишга чидамли. Транспортда ташишга яроқли. Касаллик ва зараркунандаларга чидамли.





МАРҒИЛОН МАҲАЛЛИЙ УЗУН ПИЁЗИ

Халқ селекцияси нави. Ўртача кечпишар нав, ўсув даври 122-132 кунни ташкил этади. Пиёзбоши тухумсимон, баъзан сигарасимон, қобиғи оқ рангли, эти оқ, жуда майин, серсув, тиғиз эмас, вазни 80-100 г, дегустацион баҳоси ширин. Сақланувчанлиги пастроқ. Уруғ ҳосилдорлиги 1-1,2 т/га. Навнинг умумий маҳсулдорлиги 17,8-32,6 т/га. Ун шудринг касаллигига чидамли.

САМАРҚАНД ҚИЗИЛИ 172

Нав ЎзСПЭ ва КИТИ томонидан чиқарилган. Кечпишар нав, ўсув даври 130-169 кунни ташкил этади. Пиёзбоши ясси-юмалоқсимон, қобиғи сиёҳранг, этли, эти оч гунафша ёки оч пушти ранг, тиғизлиги ўртача, вазни 70-90 г. Уруғ ҳосилдорлиги 0,7-0,75 т/га. Навнинг умумий маҳсулдорлиги 14-28 т/га. Транспортда ташишга қулай. Сақланувчанлиги ўртача. Иссиқликка чидамли.



ҚОРАТОЛ

Нав Қозоғистон деҳқончилик ИТИДа чиқарилган. Тезпишар нав, ўсув даври 93-125 кунни ташкил этади. Пиёзбоши тиғиз, юмалоқ, қуруқ қобиғи сариқ ва тилларанг сариқ, эти оқ, вазни 50-120 г, дегустацион баҳоси ярим аччиқ. Сақланувчанлиги ўртача – 65-80%. Уруғ ҳосилдорлиги 0,25-0,41 т/га. Навнинг умумий маҳсулдорлиги 20-44 т/га. Касаллик ва зараркунандаларга чидамли.

АНДИЖОН МАҲАЛЛИЙ ОҚ ПИЁЗИ

Халқ селекцияси нави. Кечпишар нав, ўсув даври 160-170 кунни ташкил этади. Нав салатбоп, янгилигида истеъмол этилади ва қайта ишланади. Пиёзбошининг шакли юмалоқ, қуруқ қобиғининг ранги оқ, эти тиғиз. Уруғ ҳосилдорлиги 0,75-0,9 т/га. Навнинг умумий маҳсулдорлиги 21-33 т/га. Қурғоқчиликка чидамли. Шўрланиш ва иссиқликка ҳам бардошли. Транспортда ташишга яроқлилиги ўртача. Касаллик ва зараркунандаларга чидамли.

ФОРОБ 167

Нав Туркменистон деҳқончилик ИТИДа чиқарилган. Кечпишар нав, ўсув даври 150-160 кунни ташкил этади. Пиёзбоши тиғиз, сақланувчан, таъми ярим аччиқ, шакли ясси, баъзан учига ёки юқорисига қараб чўзилган. Ташқи қуруқ қобиғи кумушсимон оқ рангда. Уруғ ҳосилдорлиги 0,6-0,8 т/га. Навнинг умумий маҳсулдорлиги 22-31 т/га. Пиёзбошлари янгилигида истеъмол этилади ва қайта ишланади.

ИСПАН 313

Нав БЎИТИ да чиқарилган. Кечпишар нав, ўсув даври 151-163 кунни ташкил этади. Пиёзбоши юмалоқ, ясси-юмалоқ ва овал шакллариининг бўлишига ҳам рухсат этилади. Ташқи қуруқ қобиғи оч сариқ, баъзан бироз пушти туси мавжуд, эти оқ, камдан-кам ҳолларда бироз яшил тусли. Пиёзбошлариининг ўртача вазни 99-195 г. Таъми ширин ва ярим аччиқ, сезиларсиз ўткир. Уруғ ҳосилдорлиги 0,54-0,65 т/га. Навнинг умумий маҳсулдорлиги 23,6-45,9 т/га. Ун шудринг ва шўрланишга чидамсиз. Иссиқликка чидамли. Транспортда ташишга яроқли.

ДАЙТОНА F1

Голландиянинг “БЕЙО-ЗАДЕН” фирмасининг дурагайи. Ўртапишар, ўсув даври техник етилгунига қадар 150-160 кунни ташкил этади. Пиёзбошининг шакли юмалоқ, қуруқ ташқи қобиғининг ранги сариқ, эти оқ. Этининг тиғизлиги ўртача, серсув. Пиёзбошининг ўртача вазни 95 г. Қуруқ моддалар миқдори 11,2%. Уруғ ҳосилдорлиги 0,8-0,9 т/га. Навнинг умумий маҳсулдорлиги 47,0 т/га. Қурғоқчиликка чидамлилиги юқори. Фузариоз сўлиш ва чириш касаллигига чидамли. Транспортда ташишга яроқлилиги ва сақланувчанлиги юқори. Янгилигида истеъмол қилинади ва қайта ишланади.

МАНАС F1

Голландиянинг “БЕЙО-ЗАДЕН” фирмасининг дурагайи. Ўртапишар, ўсув даври 120 кунни ташкил этади. Пиёзбошининг шакли юмалоқ, ташқи қуруқ қобиғининг ранги сариқ, эти оқ. Эти ўртача тиғизликда. Пиёзбошининг ўртача вазни 140-180 г. Қуруқ моддалар миқдори 9,7%. Уруғ ҳосилдорлиги 0,8-0,9 т/га. Навнинг умумий маҳсулдорлиги 63,0 т/га. Фузариоз сўлиш ва чириш касаллигига чидамли. Транспортда ташишга яроқлилиги ва сақланувчанлиги юқори. Янгилигида истеъмол қилинади ва қайта ишланади. Тупроқ намлиги ва унумдорлигига юқори талабчан. Иссиқликка чидамли.

5. Пиёз уруғини етиштириш технологияси

Пиёзнинг алоҳида гуллари, бутун тўпгули ва бутун ўсимликнинг гуллаи бошлаши ва давомийлиги етиштириш жойига, метеорологик шароитларга ва нав хусусиятларига боғлиқдир. Айрим навларнинг гуллаши май охирида, бошқалари – июн бошида бошланади ва июн охирида тугайди. Ҳар хил навларда гуллаш давомийлиги турличадир: 19 дан 28 кунгача. Битта ўсимликдаги барча тўпгулларнинг гуллаши одатда бир вақтда, бирмунча фарқ билан (4-7 кун) бошланади.

Гуллаш давомийлиги ва табиатидан ташқари соябоннинг турли ярусларида кун мобайнидаги гуллаш жадаллигини билиш ҳам муҳимдир.

Пиёз ўзини-ўзи чанглашидан кўра, четдан чангланишга кўпроқ мойил бўлади. Четдан чангланганда у нав ичида ёки бошқа навлар чанги билан чангланиши мумкин. Уруғларнинг кўпроқ қисми эркин табиий чангланишдан тугилади (76,2-89,1%), у йиллар ва навлар бўйича бирмунча фарқланиши мумкин. Пиёзнинг чангланишида ҳашаротлар ҳал қилувчи рол ўйнайди, улар тўпгулларнинг

бошчасини уруғликларнинг умумий яшил фониди топа олади. Уларнинг мўлжал олишида гулчаларнинг ички айланасида чангчилар асосида жойлашган нектарниклардан ажралаётган хушбўй хид ёрдам беради. Бир гектар уруғлик майдоннинг асал маҳсулдорлиги тахминан 100 кг ни ташкил этади. Бунда пиёз нектарни энг кучли иссиқ соатларда кўплаб ажратади, бу пайтда бошқа ўсимликлар нектар ажратишдан тўхтайди.

Гул пашшалари пиёзнинг асосий чанглантурувчилари ҳисобланади. Маданий ўсимликларнинг чангланишида асаларилар ҳал қилувчи рол ўйнайди, фақат пиёз ва сабзи бундан мустаснодир.

Ҳар хил географик минтақаларда пиёзнинг чанглантурувчи ҳашаротлари тур таркиби турличадир. Уларнинг энг фаол даври эрталабки (8 дан 11 гача) ва кечки соатларга (16-17 соатгача) тўғри келади. Бунда эрталабки соатларда ҳашаротлар кечкига нисбатан анча кўпроқ бўлади. Пиёзнинг гуллаши билан ҳашаротларнинг учиши ўртасида бевосита боғлиқлик бордир.

5.1. Уруғлик материални тайёрлаш ва экиш

Нав тозалигини ошириш ва сақлаш учун элита уруғчилигида нав тозалаш тадбири муҳим омил ҳисобланади. Биринчи нав тозалаш пиёзбошларни йиғиб олишдан аввал далада ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. У типик бўлмаган ўсимликлар ва кечпишар пиёзбошларни аниқлаш ва йўқотиш имконини беради.

Ўзбекистонда пиёзни йиғиб олиш даврида (август охири – сентябрь боши) ҳали иссиқ ва қуруқ бўлади. Бу эса пиёзни далада қуритиб олиш имконини беради. Қуёшли ҳавода қуритиш чириш касалликларининг олдини олиш ва сақланувчанликни оширишда катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари пиёзбошида қатор мураккаб биокимёвий жараёнлар ҳам кечади. Сараланган ва қуритиб олинган пиёз омборга юборилади (агар оналикларни ўтқазиб баҳорга режалаштирилган бўлса), кузги экиш учун эса экиш жойига етказилади.

Оналик пиёзларнинг репродуктив аъзолари кузги ўтқазиб даладаги қишлоқ даврида, баҳоргида эса сақлаш даврида шаклланади. Бироқ ўзаклаш даражаси сақлаш ҳароратига ҳам боғлиқдир. Қуйи ва юқори мусбат ҳароратлар ўсиш конусининг дифференциацияси, уруғликнинг ривожланиши ва уруғлик ўзақларининг пайдо бўлишини тўхтатиб қўяди. Оналик пиёзни сақлашда 6 дан 12° С гача ҳарорат қулай ҳисобланади. Жанубда (Сурхондарё вилояти) бундай ҳарорат табиий ҳолатда далада ёки омборларда қўшимча иситишсиз юзага келади.

Пиёздан юқори уруғ ҳосили олишнинг муҳим шартларидан бири – оналик пиёзларни эгатларга тўғри жойлаштириш ва экиш чуқурлигига риоя қилиш ҳисобланади. Яқин кунларгача кичик майдонлардаги уруғликларда пиёзбошлар қўлда, бир-биридан 25-30 см масофада экилган. Улар тупроққа енгил ботирилган, бунда уларнинг тахминан 20% ёнлама ва 80% пастга қараб жойлашади. Бундай экиш тез кўкариб кетишни, яхши ўсиб ривожланишни ва пировард натижада юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Пиёзбошларни кесиб чиқиш экишолди тайёргарлик ишларидан бири ҳисобланади. Бу тадбирни баҳорда ўтқазиб мақсадга мувофиқдир, чунки айнан баҳорда уларнинг кўкаришини ва ўсимликларнинг ўсишини тезлаштириш талаб

этилади. Пиёзни кесишга харажат гектарига 20-25 киши/кунни ташкил этади, бу эса ҳамма вақт ҳам ўзини оқлайвермайди. Шу боис уруғлик майдонлари 100-200 гектарга етувчи уруғчилик хўжаликларига пиёзни экиш зарурий тадбир ҳисобланади.

5.2. Экиш муддатлари

Жойнинг географик ўрнига боғлиқ равишда оналик пиёзлар турли муддатларда экилади: кузда, қишолди ва баҳорда.

Оналик пиёзлар кузда экилса хўжаликлар пиёзни сақлаш муаммосидан халос бўлади, омборни барпо этиш харажатлари талаб этилмайди, меҳнат харажатлари қисқаради ва етиштириладиган уруғ таннархи арзонлашади. Бундан ташқари, уруғ ҳосилдорлиги қишолди ёки баҳорги экишга нисбатан икки баробар, баъзан ундан ҳам кўпроқ миқдорда ортади.

Кузги ва қишолди экиш жиддий камчиликка ҳам эгадир. Олинладиган уруғ озиқ-овқат мақсадида пиёз етиштириш учун сепилладиган бўлса оналик пиёзларни кузда ёки қишолди экиш мумкин, элита уруғчилигида эса (олинган уруғлар кейинги репродукция учун ишлатилади) баҳорда экиш тавсия этилади.

Экиш муддати уруғлик ўсимликларнинг шохлашига катта таъсир кўрсатади. Жуда эртаги, яъни сентябрь ва октябрь муддатларидаги экишда ўзаклаш ва шохланиш даражаси юқори бўлади, бу ўз навбатида битта ўсимликнинг, шунингдек бир гектар уруғлик даласининг уруғ ҳосилдорлигини оширади. Маълумки, ҳамма шохлар ҳам ўзак беравермайди. Уларнинг умумий миқдоридан 85-95% қисми гул ўзақлари ҳосил қилади, қолганлари вегетатив поялигича қолади. Шохлар кўп миқдорда ҳосил бўлганда, улар бир-бирини сиқиб қўяди ва уларнинг бир қисми ривожланишда орқада қолади. Шу боис тўлиқ ўзаклаш амалда кузатилмайди. Янги аъзолар – барглар, шохлар, ўзақлар ва тўпгулларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланиши бевосита етиштириш шароитларига боғлиқдир. Қулай шароит (кузги экишдаги) катта ўлчамли ўзак ва тўпгулларнинг ҳосил бўлишига, уларнинг жадал ўсишига имконият яратади.

Экиш муддати уруғларнинг абсолют вазнига ҳам таъсир кўрсатади. Бунда сентябр муддати устун бўлиб, кейинги ўринни октябрь муддатлари эгаллайди, ушбу муддатларда экилганда олинган уруғларнинг абсолют вазни ноябрь, февраль ва март муддатларидагига нисбатан анча юқори бўлади.

5.3. Пиёзбошларни экиш схемаси

Уруғлик пиёз учун озиқланиш майдонини тўғри танлаш муҳим агротехник тадбирдир. Намлик етарли бўлиб, ўғит мўл берилганда озиқланиш майдонини қисқартириш мумкин. Суғоришда ўсимликлар озуқа моддаларини яхшироқ ўзлаштиради, бунга боғлиқ равишда экинлар зичроқ жойлашиши лозим. Сийрак экилганда тупроқнинг катта қисми офтобда қизиб кетади, бунда кўплаб намлик буғланиб кетади, натижада ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун шароит ёмонлашади.

Зичлаштириб экилганда майдон бирлигидан олинладиган уруғ ҳосили ортади, поялар шамолда ётиб қолмайди ва синмайди, уруғлар эса тезроқ пишади.

Озиқланиш майдони оширилганда майдон бирлигидан олинадиган уруғ ҳосили камаяди, аммо битта ўсимликнинг уруғ ҳосили ортади.

Оналик ўсимликларнинг озиқланиш майдони уруғ сифатига ҳам таъсир кўрсатади. Зичлаштириб экилганда паст сифатли уруғ берадиган ён шохлар сони камаяди ва асосий ўзаклардан олинадиган уруғлар фоизи ортади. Унутмаслик лозимки, ҳаддан зиёд зичлаштириб юборилганда ўсимликларнинг ўсиши учун ноқулай шароит юзага келади. Шу боис уруғликларни қатор оралиғи 70 см, қатордаги ўсимликлар ораси 20-30 см схемада жойлаштириш тавсия этилади. Квадрат-уялаб экишда 60×60 ёки 70×70 см (уяда 2-3 тадан пиёз бир-биридан 10 см масофада) схема энг яхши натижа беради.

Қаторда ўсимликлар сони ортиши билан уларнинг ёритилиш шароитлари ёмонлашади, ҳавонинг ҳарорати пасаяди, нисбий намлик ортади. Бундай шароит айрим сернам йилларда сохта ун-шудринг касаллигининг тез тарқалишига имкон беради, бундай шароитларда (айниқса пасттекислик ерларда) ушбу касалликка қарши курашиш қийинчилик туғдиради. Йирик ва ўртача пиёзбошлар яхши натижа беради, аммо ҳосилдорликда улар орасидаги фарқ сезиларли бўлмайди. Шу боис ўртача ўлчамли пиёзлардан фойдаланиш иқтисодий нуқтаи назардан ҳам мақсадга мувофиқдир, бундай пиёзбошлар фенофазаларнинг бир пайтда кечишини, пишишнинг тезлашини ва сифати юқори бўлган мўл уруғ ҳосили олишни таъминлайди. Уруғ олиш учун бироз йирик (5,6-7 см) ва ўртача (4,6-5,5 см) пиёзлардан фойдаланиш керак. Майда пиёзлар (3,5-4,5 см) уруғликларнинг ривожланишини секинлаштиради ва сифати паст, кам уруғ ҳосили беради (У.Кадиров, 2004).

5.4. Уруғлик экинзорларни суғориш

Энг юқори уруғ ҳосилини фақатгина тупроқни юқори намликда ушлаб турганда олиш мумкин. Тупроқ намлиги юқори ва озиқланиш майдони кичик бўлганда уруғ ҳосилдорлиги етарлича ортади. Уруғ пиша бошлаганда ўсимликларни қуритиш зарурати мавжуд эмас. Тупроқнинг юқори намлиги асосий уруғ массаси мум пишиқлик даврига етгунга қадар ушланиши лозим. Жуда кечки мўл суғоришлар уруғликларни ётиб қолишига олиб келади, бу эса уруғлик бошчаларни териб олишни қийинлаштиради ва уруғларнинг маълум қисми тўкилиб кетади.

Ўзбекистоннинг жанубида (Сурхондарё вилояти) пиёз уруғликларини ўз вақтида суғориш ўсимликни намлик билан таъминлашга, гуллаш ва уруғ тўлишиши даврида ҳавонинг нисбий намлигини ошириш ва ҳароратни пасайтиришга имкон беради. Уруғ туғиш фоизини ошириш учун мўл суғориш ва далага асалари уяларини олиб келиш воситасида пиёз гулларининг эркин четдан чангланишини таъминлаш лозим.

Тупроқ намлигининг энг қуйи чегарасини 75-80% дан туширмай тез-тез, ҳар 6-9 кунда суғориш ўсимликни ўз вақтида намлик билан таъминлаш ва тупроқ ҳароратини пасайтириш имконини беради. Бундай тартиботда озуқа моддалари ўсимлик яхши ўзлаштира оладиган ҳолатда бўлади. Бироқ кўп суғориб юбориш (ҳар 6 кунда) ун шудринг касаллигининг тарқалишига олиб келиши мумкин (20% гача).

Шу боис ҳар 9 кунда суғориш тавсия этилади.

Суғориш тартиботи уруғликларнинг илдиз тизимини тарқалишига ҳам таъсир кўрсатади. Аниқланишича, суғориш ҳар 6 кунда ўтказилганда уруғликларнинг илдиз тизими тупроқнинг тез қуриб қоладиган юза қатламида, ҳар 9 кунда суғорилганда эса намлик нисбатан барқарор сақланадиган ҳайдалма қатлам ва унинг остида тарқалади.

Уруғлик пиёз ўсимликларининг тупроқ намлигига талабчанлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда уларни 6-8 марта суғориш тавсия этилади. Айрим илғор фермер хўжаликлари бир ўсув даврида пиёзни жами 8-9 марта, яъни ҳар 6-7 кунда суғоришади.

Умуман олганда экишбоплик сифатлари яхши бўлган юқори уруғ ҳосили олиш учун уруғлик пиёзни бўз тупроқларда 7-8 марта, ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда эса 5-6 марта суғориш мақсадга мувофиқдир.

5.5. Пиёз уруғини тезкор етиштириш усуллари

Уруғчилик амалиётида икки йиллик сабзавот экинларининг навдор уруғларини етиштиришнинг қатор усуллар мавжуд бўлиб, улар уруғ таннархини пасайтириш ва уларни ишлаб чиқаришни кескин ошириш имконини беради. Буларнинг бири кўчириб ўтказилмайдиган усулдир.

Кузги (сентябрь мuddатида экиш), қишолди ва эрта баҳорги экилган пиёзлар кўчириб ўтқазмасдан уруғ етиштирилганда кузда пишиб етилади, сўнгра улар бироз яғаналанади (зарур ҳолларда сийрак жойларига экиб чиқилади) ва музлаб қолмаслиги учун енгил оқучка қилинади. Келгуси йил баҳорида пиёз устидаги тупроқ хаскашланади ва уруғликлар одатдагидек парвариш қилинади. Ушбу ҳолатда пиёзларни қазиб олиш, сақлаш ва уруғликларни қайта ўтқазиб чиқиш харажатлари истисно этилади.

Одатда кўчириб ўтқазилмайдиган уруғчиликда уруғ ҳосилдорлиги юқори бўлади, чунки бунда майдон бирлигидаги ўсимликлар, ўзаклар ва бошлар сони кўчириб ўтқазилганга нисбатан кўп бўлади. Кўчириб ўтқазмасдан уруғ етиштирилганда уларнинг таннархи 2-3 баробар пасаяди, уларнинг экишбоплик ва маҳсулдорлик сифатлари эса биринчи ва иккинчи репродукцияда ортади. Кўчириб ўтқазмасдан уруғ етиштириш уруғ танқислиги сезилганда, ёнгарчилик мўл бўлиб, пиёзни йиғиб олиш ва кўчириб ўтқазиб кечикиб кетганда қўлланилиши мумкин, чунки бу усулда оддий уруғ олинади.

Кўчириб ўтқазмасдан уруғ етиштириш оналик пиёзларни йиғиб олиш, ташиш, сақлаш ва қайта ўтқазиб харажатларини кескин қисқартириш имконини беради. Ушбу усулнинг асосий камчилиги шундаки, бунда нав тозалаш ишларини амалга ошириб бўлмайди (пиёзбошининг ранги бўйича ажратиб ташлаш бундан мустасно). Бундан ташқари, экиш учун кўп миқдорда юқори классли тоза навдор уруғ экиш талаб этилади. Шунга қарамай ушбу усул ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, қўшимча равишда мўл уруғ етиштириш имконини беради.

5.6. Уруғ олиш учун нўш пиёзлардан фойдаланиш

Уруғ олиш учун нўш пиёзлардан такрорий фойдаланиш яхши самара бериши

мумкин. Бунда олинадиган уруғларнинг экишбоплик ва маҳсулдорлик сифатлари пасаймайди. Бироқ бунда айрим шартларга риоя қилиш лозим. Экиш учун ўртача ва бироз йирик пиёзбошлардан фойдаланилади, улар озуқа моддаларига бой, потенциал уруғ ҳосил қилиш имконияти юқори бўлган йирик ўзак беради. Бундан ташқари, биринчи йилги етиштиришда уруғлик плантацияларида юқори агротехника қўллаш, ҳосилни йиғиб олишда ўзакловчи пиёзларни эҳтиётлаш ҳам йирик пиёзбошлар ва юқори ҳосил олишга имкон беради.

Уруғликларни нўш пиёзлардан етиштиришда бегона ўтларга қарши курашиш муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Бунда уларни ва тупроқнинг 1-2 см қатламидаги бегона ўт уруғларини оловли культиватор билан куйдириб ташлаш жуда юқори самара беради. Ҳосил бўлган кул тупроққа ювилади ва улар ўсимликлар учун қўшимча озуқа бўлиб хизмат қилади.

5.7. Маҳаллий навларнинг экологик шароитларга боғлиқ ҳолдаги уруғчилиги

Фарғона ва Андижоннинг водий ҳудудларида ёзги юқори ҳарорат ва ҳавонинг қуйи нисбий намлиги уруғлик ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, уларда сохта ун-шудринг касаллигини келтириб чиқаради. Тоғларда эса аксарият ўсимликларда униш энергияси, гуллаш ортади, баргларда, айниқса ер ости аъзоларида (илдизи, пиёзбоши) озуқа моддаларининг тўпланиши тезлашади. Ушбу жараёнларни муаллифлар анча мўътадил ҳарорат ва ёруғлик спектрининг қисқа тўлқинли қисми жадал радиацияси (290-313 мм к) билан изоҳлашади (Н.С. Бақурас, 1974).

Сўх (Фарғона вилояти) шароитида фақатгина асосий соябонлар эмас, балки ён соябонлар ҳам жадал гуллайди, бу вақтда водий ҳудудларида бундай ён шохлар кучсиз ва нотекис гуллайди. Тоғларда гуллаш ва уруғ ҳосил бўлиши учун модда алмашинуви ҳам қулайдир. Бу эса тоғли ҳудудларда ҳар хил сабзаёт экинлари уруғчилигини ташкил қилиш учун дастлабки шарт-шароит бўлиб хизмат қилади.

Юқори сифатли пиёз уруғи етиштириш учун қулай шароит текисликларда эмас, балки анча баландроқ тоғ тизмаларида мавжуддир. Сохта ҳар йили пиёзнинг Марғилон навидан экишбоплик сифатлари юқори бўлган 5 ц/га атрофида уруғ етиштирилади, водийларда эса 3-4 ц/га, баъзан ундан ҳам кам.

5.8. Уруғликларни йиғиб олиш ва етилтириш. Уруғларни қуритиш ва сақлаш

Уруғликларни ўз вақтида йиғиб олиш, йиғиб олингандан кейин етилтириш, соябончаларни қуритиш, янчиш, уруғларни тозалаш ва юқори кондицияларга етказиш пиёз уруғчилигининг энг масъулиятли ва муҳим тадбирларидандир.

Кесиб олинган уруғликларда уруғларни етилтиришнинг моҳияти шундаки, вегетатив қисмлардаги заҳира озуқа моддалар илдизда етилтирилгандагига нисатан репродуктив аъзоларга юқори тезликда ҳаракатланади.

Бир пайтда пишиб етилмайдиган пиёз уруғлари учун етилтириш яна шунинг учун ҳам зарурки, уруғликнинг вегетатив қисмлари терим пайтида юқори намликка эга бўлади ва улар янчишда қийинчилик туғдиради.

Уруғликларни етилтириш усули, муддати ва уларни қуритиш жойнинг географик ўрнига боғлиқдир. Бинобарин, Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудларида (Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси) ўсув даври қисқа, намлик етарлича юқори, ҳарорат эса пастдир, шу боис уруғликлар 5-10 сентябрда сут-мум пишиқлик даврида йиғиб олинади, етилтириш эса бутун ўсимликда 30-40 кун давомида олиб борилади. Бундай шароитларда кўпинча уруғларни қуритиш учун махсус жиҳозланган қуритгичлар ёки фаол шамоллатилувчи майдончалардан фойдаланилади.

Агар уруғ сут пишиқлик фазасида бўлса, у ҳолда етилтириш бутун ўсимликда олиб борилиши керак. Агар уруғларнинг асосий массаси мум пишиқлик фазасида бўлса, улар бутун ўзақда ёки унинг 20-30 см узунликда кесилганида етилтирилади. Уруғликларни йиғиб олиш муддати, усули, етилтириш ва қуритиш ўсимликнинг ҳолати ва об-ҳавога боғлиқдир.

Ўзбекистонда пиёз уруғи июнь охири – июль бошларида пишади. Олимлар теримни 2-3 такрорийликда ўтказишни тавсия этишади: дастлаб уруғ кўсакчалари ёрила бошлаган соябонлар, сўнгра эса 10-12 кундан сўнг қолган соябонлар ўзагини 20-30 см қолдириб кесиб олинади.

Олимлар соябонларни етилган сари аста-секин йиғиб олишни тавсия этишади. Уруғларнинг тўкилиб кетишини олдини олиш учун улар бир неча марта, соябонларда якка-якка ёрилган кўсакчалар пайдо бўла бошлаши ва уларда қора рангли уруғ кўрина бошлаши билан йиғиб олинади. Танлаб узиб олиш уруғларнинг энг қимматли фракцияларини тўкилиб кетишдан асрайди, бироқ у ниҳоятда меҳнатталаб бўлиб, катта майдонларда уруғ етиштирилганда уни амалда қўллаб бўлмайди.

Мум пишиқлик фазасида бир марта йиғиб олиш иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

Уруғликларни йиғиб олиш муддати ҳам уруғчиликнинг муҳим масалаларидан биридир. Уруғларнинг бир вақтда пишиб етилмаслиги йиғиб олиш муддатини белгилашда қийинчилик туғдиради: эрта ва кеч йиғиш ҳосилдорликни пасайтириб юборади, биринчисида уруғ чиқиши ва абсолют вазни камайса, иккинчисида уруғлар тўкилиб кетиши ҳисобига ҳосил йўқотилади.

Уруғликларни йиғиб олишнинг энг яхши муддати уруғ кўсакчаларида биринчи ёриқчаларнинг пайдо бўлиш вақтидир. Амалда уруғчилик хўжаликларида уруғликларни йиғиб олишга 5-10 июлда киришилади, бу пайтда поялар сарғайиб, бошчалар 30-40% қорая бошлайди, улар ёрилиб, ичида қора уруғлар кўриниб қолади. Ушбу даврда уруғларнинг асосий массаси мум пишиқлик фазасида бўлади. Пишган соябонлар пичоқда кесиб олинади, қопчалар ёки этакга йиғилади, сўнгра улар юпқа қатлам (20-25 см) қилиб асфальт майдонга ёйиб қўйилади. Қуришни тезлаштириш ва уруғларнинг ўз-ўзидан қизиб кетмаслиги учун вақти-вақти билан ёғоч хаскаш ёрдамида ағдариб чиқилади.

Уруғликларни бостирма остида сояда қуритиш асфальтда қуритишга нисбатан бирмунча афзалликларга эгадир. Очiq асфальтдаги юқори ҳарорат (50-60°) уруғларнинг экишбоплик сифатига салбий таъсир кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида сояда қуритиш учун ҳам қўплаб бостирма қуриш талаб этилади. Бинобарин, ҳар 50

га уруғлик майдони учун 1 га бостирма зарур. Бундан ташқари, пиёз уруғликлари намликни яхши сақлайди ва уларни бостирма остида етилтиришда янада юпқа қатлам қилиб ёйиш зарур. Бундай қуритиш усулида янада кўпроқ вақт талаб этилади. Шу боис очик майдонларда ярим соялаб қуритиш асосий усул бўлиб қолади (Ф. Раджабов, 1971).

Сўнги вақтларгача Ўзбекистонда уруғларни тозалаш учун улар 5-10 дақиқа мобайнида ювилган, сўнгра юзасига мато тортилган махсус тахта доскаларда қуритилган. Ушбу усулда сифати юқори бўлган уруғларнинг бир қисми ҳам йўқотилади. Ювилган уруғлар очик ҳавода, энг яхшиси юзасига мато қопланган қуритиш ромларида қуритилиши мақсадга мувофиқдир. Офтобли ҳавода қуритилганда уруғлар август-сентябрь ойларида уруғлар бир неча соатда белгиланган намликка етади ва уларни шу куннинг ўзидаёқ кечаси қадоқлаш мумкин. Тозаланган ва қуритилган уруғлар тоза янги қопларга солинади. Ҳар бир қопга уруғ етиштирилган хўжалик, экин тури, нави, йиғиб олинган йили, сифати, репродукцияси ва вазни ёзилган ёрлик солинади. Бундай ёрлик қопнинг ташқарисига ҳам ёпиштирилади. Белгиланган тартибда қоплар сақлашга ва реализацияга топширилади.


Уруғлар дастлабки 2-3 ой мобайнида жуда паст экишбоплик сифатида бўлади. Шу боис улар одатда баҳорги экиш учун қишда реализация қилинади. Август ва сентябрь муддатларида экиш учун аввалги йилда йиғиб олинган ёки нўш пиёзлардан такрорий олинган уруғлардан фойдаланилади.

Бир йил сақланган уруғларда унувчанлик ва униш энергияси мос ҳолда 3-8 ва 5-16% га ортади. Иккинчи йили ҳам аксарият ҳолларда униш энергияси (2-5%) ва унувчанлик ҳам ортади (1-2%), бунда уларнинг абсолют вазни дастлабкига нисбатан 2-6% га камаяди. Учинчи йилдан бошлаб уруғларнинг экишбоплик сифатлари кескин пасаяди, тўртинчи йилда бу кўрсаткичлар дастлабкига нисбатан 40-45% га тушади. Демак, экиш учун уч йилгача сақланган, энг яхшиси бир йиллик уруғлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

6. Пиёз касалликлари ва зараркунандалари ва уларга қарши курашиш чоралари

Пиёз етиштиришда пиёз пашшаси, нематода, чириш касалликлари ва фузариоз сўлиш кўп учраб турадиган муаммолардандир. Агар ерингизда аввалги йилларда пиёз пашшаси кўп учраган бўлса, у ҳолда пиёзни уруғидан эмас, балки нўш пиёздан етиштирганингиз мақсадга мувофиқдир. Фузариоз ва чириш касалликлари учраб турадиган майдонларга эса чидамли F1 дурагайлари экилади. Юқоридагилардан ташқари яна кўпгина касаллик ва зараркунандалар пиёз ҳосилига хавф солиши мумкин. Тупроқни тўғри танлай билиш ва агротехника талабларини меъёрида бажариш орқали бу муаммоларни бартараф этиб, мўл пиёз ҳосили етиштириш мумкин.

АСОСИ ЕБ ТАШЛАНГАН



Узунлиги 0,6 см
бўлган оқ личинка



1. ПИЁЗ ПАШШАСИ


Зарарланишнинг ўзига хос белгиси – эгилиб қолган сарик барглар. Қурук ёз ўрталарида энг қучли зарарлайди. Личинкалар пиёз асосини йўл ҳосил қилиб ейди; ёш пиёзлар одатда нобуд бўлади, йириклари эса деформацияга учрайди.

Тавсиялар: Қучли зарарланган ўсимликлар йиғиб олиниб йўқ қилинади. Экиш олдида уруғлар ва нўшпиёзларга примифосметил билан ишлов берилади. Яганалашда чиққан ўсимликлар, шикастланган барглар ва зарарланган пиёзбошлар йўқ қилинади. Ўсимликлар атрофидаги тупроқ зичланади. Агар майдон қучли зарарланган бўлса пиёзни уруғидан эмас, балки нўшидан экиш мақсадга мувофиқдир.

2. ЭГИЛГАН БАРГЛАР

Баъзан пиёз барглари аниқ бир сабабсиз эгилиб қолади. Агар эгилган барглarning ранги одатдагидан тўқроқ бўлса, у ҳолда унинг сабаби экишдан олдин тупроққа жуда кўп миқдорда янги гўнг солинган ёки тупроқда азот миқдори меъёридан ошиб кетганлиги бўлиши мумкин.

Тавсиялар. Бундай ҳолатларда ўсимликлар калийли ўғит эритмаси билан суғорилади.



3. ЎЗАКЛАШ

Ўзақлаш жуда эрта экиш, баҳорги аёзлар ёки уруғларни бўш тупроққа экишдан келиб чиқиши мумкин.

Тавсиялар. Агар пиёз бевақт ўзақлаб кетса, у ҳолда ўзақлар синдириб чиқилади, пиёзбошлар эса пишганда йиғилаверади, аммо сақлашга жойлаштирилмайди, тезроқ истеъмол қилиб юборилади.

ЎСУВ ЖОЙИДА ЧИРИГАН ПИЁЗБОШЛАР



ЧИРИШИ

Барглар сарғаяди ва сўлийди. Пиёзбоши асосида оқ момик моғорсимон ғубор пайдо бўлади, уларнинг ичида юмалоқ қора склероцийлар кўриниб туради. Касаллик жуда хавфли бўлиб, иссиқ ва қурук ёзда яхши ривожланади.

Тавсиялар. Зарарланган ўсимликлар йўқ қилинади. Зарарланган майдонда саккиз йилгача пиёз етиштирилмайди.



14. БАРГЛАР СЎЛИШИ

Энг аввал марказий, сўнгра ташқи барглар сарғаяди ва сўлийди. Агар пиёзбоши кесиб кўрилса, унинг қобиклари орасида ёқимсиз ҳидли шилимшиқ қатламни кўриш мумкин. Мазкур касаллик оқ чиришга нисбатан камроқ учрайди.

Тавсиялар. Зарарланган ўсимликлар йўқ қилинади. Ушбу майдонда бир неча йил пиёз етиштирилмайди.

САҚЛАШДА ЧИРИГАН ПИЁЗБОШИ



15. САҚЛАШДА ЧИРИГАН ПИЁЗБОШИ

Сақлаш даврида пиёзбоши бўйнида кулранг моғор пайдо бўлади, пиёзбоши юмшоқ бўлиб қолади ва чирийди.

Тавсиялар. Сақланаётган пиёзлар доимо назорат қилиб турилади, касалланганлари зудлик билан йўқ қилинади. Экиш олдида уруғларга карбендазим билан ишлов берилади. Сақлашга фақатгина соғлом, яхши қуритилган пиёзлар жойлаштирилади. Пиёзлар салқин ва яхши шамоллатиладиган жойларда сақланади.

ЭГИЛГАН, ШИШГАН БАРГЛАР



4. НЕМАТОДА

Ушбу жуда майда микроскопик куртлар билан зарарланганда барглар қавариб, деформацияга учрайди. Ёш ўсимликлар нобуд бўлади; етила бошлаган пиёзбошлар эса юмшоқ бўлиб қолади ва сақлашга ярамайди.

Тавсиялар. Зарарланган ўсимликлар йўқ қилинади. Зарарланган майдонда бир неча йилгача пиёз, горох, дуккакдошлар ва кулупнай етиштирилмайди.

ЁРИЛГАН ПИЁЗБОШЛАР



5. ЁРИЛИШ

Ҳосилни йиғиб олишда баъзан асосидан ёрилган пиёзбошларни учратиш мумкин. Бундай ҳолат одатда уруғидан пиёз етиштиришда узоқ давом этган қурғоқчиликдан сўнг мўл суғорилганда ёки ёмғир ёгганда кузатилади.


Тавсиялар. Ёрилган мевалар сақлашга қўйилмайди, уларни мумкин қадар тезроқ ишлатиб юбориш лозим. Тупрокни жуда қуриб кетишига йўл қўйилмаган ҳолда вақти-вақти билан суғориб туриш лозим.

7. ҚОРАКУЯ

Ёш барглар ва пиёзбошчаларда қора доғлар пайдо бўлади, барглар қалинлашади ва деформацияга учрайди. Касаллик билан айниқса порей пиёзи кучли зарарланади.

Тавсиялар. Зарарланган ўсимликлар йўқ қилинади. Зарарланган майдонда 8 йилгача пиёзнинг ҳар қандай тури етиштирилмайди.

БАРГЛАРДАГИ ДОҒЛАР



8. ЗАНГ

Баргларда тўқ сарик доғлар ва холлар пайдо бўлади. Кам учрайдиган, аммо жуда хавфли, ўсимликларни нобуд қилади, асосан ёзда ривожланади. Касаллик билан айниқса порей пиёзи кучли зарарланади.

Тавсиялар. Зарарланган барглар қирқиб олинади ва йўқ қилинади. Зарарланган майдонда келгуси йилда пиёз турлари етиштирилмайди.

6. КЎП УЯЛИ ПИЁЗБОШЛАР


Пиёз уруғидан етиштирилганда битта пиёзбошчада бир нечта поя шаклланиши мумкин. Одатда бу ҳолат экиш муддати бузилганда ёки ориқ ерга экилганда юз беради. Кўп уялилик узоқ муддат давом этган қурғоқчиликдан кейин ҳам кузатилиши мумкин.




9. ЙЎҒОН БЎЙИН

Йўғон бўйинли пиёзбошлар узоқ муддатли сақлашга жойлаштирилмайди. Ўсимлик ривожланишидаги бундай нуқсон тупроқда янги гўнг бўлиши ёки азотнинг кўплиги оқибатида келиб чиқади.

Тавсиялар. Бундай ҳолларда ўсимликлар калийли ўғит эритмаси билан озиклантирилади. Уруғлар жуда чуқур экиб юборилганда ҳам йўғон бўйинлик келиб чиқиши мумкин.



ОҚАРГАН БАРГЛАР



10. ОҚ УЧЛИЛИК

Кузда порей пиёзининг учлари рангини йўқотади ва қуриб қолади. Касаллик барг учидан бошлаб пастга томон ривожланади, ўсимликнинг ўсиши секинлашади.

Тавсиялар. Касалликнинг дастлабки белгилари намоён бўлиши билан ўсимликларга манкозеп пуркалади. Кучли касалланган ўсимликлар йўқ қилинади. Зарарланган майдонда келгуси йилда порей пиёзи етиштирилмайди.

ЕБ ТАШ- ЛАНГАН БАРГЛАР



12. ПИЁЗ КАПАЛАГИ

Узунлиги 1 см гача бўлган оч яшил куртлар фақатгина пўстлоғини қолдирган ҳолда ёш баргларнинг тўқималарини еб қўяди. Барча турдаги пиёз ўсимликларини зарарлайди.

Тавсиялар. Зарарланишнинг дастлабки белгилари аниқланиши биланоқ ўсимликларга контакт таъсир этувчи инсектицидлар пуркалади.